

3-iyul
2025-yil 26 (1 128)



O'ZLiDeP

АХШР

I J I M O Y - S I Y O S I Y G A Z E T A S I

21asr.uz @XXIasr_ya...liklari XXI_asr@mail.ru xxiasrgazet XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТАДИГАН ОЛТИН АВЛОДСИЗ!

Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...
XXI аср фарзанди бўлганимда эди...
Шундай даврда яшасайдим...
Ҳар биримизнинг кўнглимиздан кинолентаси каби ўтиб тургучи бу каби ёруғ орзулар, умид ва ушалмаган армонлару нурли келажак бўлиб порлаётган ишонч кўприклари юракларни жунбушга солмайдими, айтинг!
Дарвоқе, мамлакатимизда катта байрам

сифатида нишонланган Ёшлар кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг навқирон авлод вакиллари билан кечган қизгин мулоқот-учрашувда айтган даъватбахш пурмаъно сўзлари ҳамон қалбларни руҳлантормоқда, янги-янги марралар сари чорлаётир. Янги Ўзбекистон бунёдкорлари зиммасига янада залворли ва масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

2

Қурилишда бурилиш бўлади...ми?!



Пиримқул Қодиров:

Тилдан айрилган халқ маънавий Ватанидан жудо бўлади!



Ўзбекона машварат



Президентимиз фармониға қўра, газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича мухбири, таниқли журналист ва адиб Рўзимбой Ҳасан "Дустлик" ордени билан тақдирланганидан хабарингиз бор. Шодмонлиги ичига сиймаган ҳамкасбимиз кутилмаган ташаббус билан чиқди...

Диққат анонс:

Ўқинг, уқувингиз ошади!



О'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон АЛИМОВнинг хабар беришича, бугун партиянинг ҳудудий кенгашларидаги барча раҳбар-ҳодимларнинг сиёсий ва профессионал малакасини ошириш бўйича ўқулар бошланди. Албатта, мавзулар ранг-баранг, сиёсий куч билан боғлиқ илғор тажриба ва амалиёт, шунингдек, интернет билан ишлаш, ижтимоий тармоқлар, жумладан, "facebook" ва бошқа мессенжерлардан фойдаланиш йўллари, депутатлик гуруҳлари ҳамда БПТ ва ОАВ фаолияти тахлили ва ҳоказо...
Ўқулар бир ой давомда барча ҳудудларда ўтказилиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР СИЁСАТИДА ДУНЁГА НАМУНА БЎЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 30 ИЮНЬ КУНИ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎТКИР ВА ДОЛЗАРБ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ.

Мамлакатимизда ёшларга нафақат эртанги ўзгаришларга сабаб бўладиган муҳим куч, балки жамият тараққийотининг мустаҳкам таянчи сифатида қаралади. Ёшлар том маънода, Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, ёруғ келажакимиз бунёдкоридир.
Ёшларга доир давлат сиёсати асосида ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб борилмоқда. Айниқса, янги тахрирда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Янги тахрирдаги Конституцияда ҳам давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлаш, уй-жойли бўлиш, ишга жойлашиш ва дам олиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида етарли шароит яратиш учун қайғуриши белгилаб қўйилди.



Ақтам ХАИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси раҳбари

2

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР СИЁСАТИДА ДУНЁГА НАМУНА БЎЛАДИ

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Президентимиз ташаббуси билан ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда ва ислохотлар самарасини йигит-қизларимиз ўз кундалик ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда.

Ушбу йўналишдаги фаол ислохотлар натижасида биргина ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олий ўқув юртлирига кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Айни вақтда 30 нафар йигит-қизларимиз дунёдаги ТОП-10, 500 нафари ТОП-100 ва 1 минг 500 нафари ТОП-300дан жой олган нуфузли университетларда таҳсил олаётгани ҳам фикримизнинг яққол намунаси.

Ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишига қўмаклашиш давлатимизнинг асосий вазифасига айланган. Бунда замон талабидан келиб чиқиб, зарур шароитлар яратилаётди. Жумладан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг ёшлар ўқитилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Стартларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам тизим яратилиб, уларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоа киритилди. Бу рақам келгусида 1 миллиард долларга етказилади. Ушбу ишлар мактабдан бошланиб, ўқувчилар учун моҳирлик ва бизнес соати киритилади ва уларнинг ғоясини стартапга айлантиришга 100 миллиард сўм грант ажратилади. Айтиш, буларнинг барчаси юртимизда эртаимиз эгаларига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодаси эмасми?!

Бундай ислохотларимизни халқро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда. Масалан, Ўзбекистон БМТ “Ёшлар – 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига кирди. Ёшлар тараққиёт индексида эса мамлакатимиз ёшлар сиёсати соҳасида энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлат, деб топилди. Бухоро шаҳри Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент шаҳри МДХ ёшлари пойтахти мақомини олди.

Президентимизнинг 30 июнь кунини Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган ўқитиш ва долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Бу нафақат шу тadbирда иштирок этган, балки барча юртдошларимизни ҳам беҳад қувонтирди. Учрашувда қилинган ишлар билан бирга, ечимини кутаётган айрим масалалар, муаммолар ҳам



тилга олинди ва уларга аниқ ечимлар кўрсатиб ўтилди.

Ёшларга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутди. Улар жамият учун “янги қон” вазифасини ўтайди.

Бугун ўқишга кира олмаган мактаб битирувчилари ёки техникум ва олий даргоҳларни тугатаётган талабалар энди қаерда ишласам, деб ташкилотма-ташкилот сарсон-саргардон бўлиб юрмайди. Зеро, уларни банд қилиш бўйича 2 та алоҳида дастур қабул қилинган. Бу борада Алоқабанк ва Миллий банкка 300 миллион доллар ажратилган, улар “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг ёшни, “Келажакка қадам” орқали 140 минг олий ўқув юрти битирувчиларини даромадли иш билан таъминлаши шўбҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги эса Савдо-саноат палатаси Миллий банк билан бирга олий даргоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш бериш билан боғлайдиган платформани ишга туширди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб

таълими, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари “Ҳаракатда даромад” электрон тизимини яратиб, таътилдаги 3 миллион ёшни малака талаб қилмайдиган ишлар билан банд қилади. Бу шунча оилга даромад қиради, уларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқади, деганидир.

О‘zLiDeP сайловолди дастурида ҳам ёшларга сифатли таълим, касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш орқали иш ўрни яратиш, замонавий инновацияларга йўл очиш, сунъий интеллектни ривожлантириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу тарихий нутқ, унда билдирилган ташаббуслар ҳаётимизда том маънода ижобий бурилиш ясади. Бу жараёнда етакчи сиёсий куч сифатида О‘zLiDeP ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳам албатта, ижобий ўзгаришлар қилади. Ёшларни эзгу мақсадлари сари илҳомлантириб, уларга эришиши учун депутатлик корпусларимиз қўмақ беради.

Зотан, бугун катта орзу-мақсадлар билан Ватан тараққиётига ҳисса қўшаман, дея белни маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган шижоатли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

“Биринчи ва иккинчи Ренессанснинг буюк алломи ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун, тарих навбатни сизларга бермоқда”, – деди Президентимиз ёшларга қарата сўзлаган нутқда. Бунинг учун давлат уларга сифатли таълим-тарбия бериб, хорижий тилларни ўрганишга шароит яратмоқда. Қолаверса, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишига қўмаклашаётгани барчамизга маълум.



Бобомурод ОЧИЛОВ,
О‘zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

ТАРИХИЙ КУН

Бундай имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор истиқболли ташаббусларнинг давлат раҳбари томонидан илгари сурилгани навқирон авлод вакиллари учун айна мўддаодир. Хусусан, Беруний номидаги халқро мактабнинг 8-синф битирувчилари орасидан 60 нафар ўқувчи саралаб олинди, 3 та йўналишда чуқурлаштириб ўқитилади. Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли ўқувчилар танланиб, дунёнинг нуфузли олий ўқув юртлирига тайёрланади. Ёки банклар томонидан ТОП-300 талик олий даргоҳларга ўқишга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзли кредит берилади ва ҳоқа-зо. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу каби ташаббуслар эртанги кун эгалларнинг камолот пиллаояларидан олға интилишида қанот бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқини тинглаб эканман, Ватанимизнинг бугун

ги ва эртанги кунини бўлган йигит-қизлар учун фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этдим. “Алоқабанк” ва “Миллийбанк” “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг нафар ёшни, “Келажакка қадам” лойиҳаси орқали эса 140 минг олий ўқув юртлири битирувчиларини даромадли иш билан таъминлашга маъсул этиб белгиланиши қанчалар қувонarli. “Ҳаракатда даромад” электрон тизими яратилиб, таътилдаги 3 млн ёш малака талаб қилмайдиган ишларга жалб қилиниши айтмайсишим?

Хулоса шуки, Ёшлар кунига бағишланган тарихий кунда илгари сурилган мақсад ва вазифалар О‘zLiDeP-нинг бухорилик ёш фаоллари учун ҳам муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди. Бинобарин, ушбу истиқболли режалар вилоятимиз партия фаолларини, жумладан, ёшларни ҳам келажакка янги орзу-умидлар билан қадам ташлашга чорлайверади.

ИМКОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президентимиз ташаббуси билан маданият, китобсеварлик, санъат ва мусиқа йўналишдаги танловлар голибларига қўшимча имкониятлар яратилапти. “Иқтидор” мактаб ансамбли голибларининг мусиқа мактабларида бепул таълим олиши, санъат олий даргоҳларига киришда имтиёзлар тақдим этилиши шулар жумласидан.

“Ғалаба боғи”да очилган “Миллат фидойилари” монументи ҳам ёшларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу каби ғоявий-маънавий тарбия орқали ёшлар

ўзида турли зарарли таъсирларга нисбатан иммунитет ҳосил қилади ва юртга садоқат руҳида камол топади.

Давлат раҳбарининг “Сизлар – янги тарих яратадиган олтин авлодсиз” деган сўзлари ортида қанчалик катта ишонч ва масъулият борлигини англаш қийин эмас. Бугун ёшлар учун яратилаётган имкониятлар нафақат уларнинг келажак, балки Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти учун ҳам мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда ёшлар сиёсати изчил ва стратегик характер касб этиб, ёш авлоднинг мамлакатнинг илмий, иқтисодий ва маънавий юксалишида бош омилга айлантирмоқда. Буларнинг замирида давлат раҳбарининг узоқни сўзлаган сиёсати ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси ётади.



Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О‘zLiDeP фракцияси аъзоси

ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ

Менга юртингиз ёшларини кўрсатинг, келажакнингизни айтиб бераман, деган экан бир донишманд. Шу гапни эсласам, Янги Ўзбекистон доврўгини дунёга таратаётган баркамол авлод вакиллари кўз олдимда гавдаланади.



Дилшод ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси

ИШОНЧ, АЛБАТТА, ОҚЛАНАДИ!

Бу шунчаки сўз эмас – бу ишонч, бу юксак эътироф! Президентимиз Шавкат Мирзиёев доим таъкидлаб келадиган ушбу фикр ҳар биримизнинг юрагимизга куч, келажакимизга ишонч бахш этади.

Ёшлар кунини муносабати билан ўтказилган байрамона учрашувда буни яна бир бор ҳис қилдик. Юртбошимиз биргина ёшлар тадбиркорлиги йўналиши бўйича эришилаётган каттадан-катта натижалар ҳақида сўз юритар экан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз худудини намунали қилиш ва иқтисодий жиҳатдан анча юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётганини айтди. Масалан, тадбиркор ёшлар томонидан ташкил этилган 261 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошган. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё,

Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича илғор ҳудудларга айланиб улгурган.

Анжуманда қатор ташаббус ва кўплаб истиқболли лойиҳалар илгари сурилди. Хусусан, ҳар йили энг салоҳиятли ўқувчилардан 300 минг нафари, шундан 300 нафар эҳтиёжманд оиланинг фарзандлари жаҳоннинг энг нуфузли Гарвард, Йель, Колумбия каби “Печак лигаси” олий ўқув юртлирига тайёрланиши, “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури доирасида шу йилнинг ўзида “AI-Study” платформаси орқали 100 минг ёш ўқитилиши, олий даргоҳлар ўртасида стартап бўйича “Энг яхши креатив ғоя” танлови ўтказилиб, голибларга 300 миллион сўмгача грант ажратилиши қайд этилди.

Чуқур билим ва маънавий баркамоллик устун жойда ҳамisha тараққиёт бўлади. Ваҳоланки, қиз бола қанчалик илмли ва шижоатли бўлса, буни келгусида фарзандларига ҳам оқтиради, ҳар томонлама баркамол ёшларни



Барно БЕРДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О‘zLiDeP фракцияси аъзоси

вояга етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Мамлакат келажак эса мана шундай дунёқарашга эга оналар томонидан яратилади. Шу боис хотин-қизларимизнинг салоҳиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётди. Жумладан, бу йил 50 минг нафар қизлар “Рақамли авлод қизлари” лойиҳасига жалб қилинади.

Келгусида ёшларнинг янгидан-янги чўққиларни забт этишига, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Ёшлар кунини муносабати билан ўтказилган учрашувда Президентимиз мамлакатимиз йигит-қизлари қўлга киритаётган ютуқ ва муваффақиятларини фахр билан тилга олиб ўтгани бежиз эмас. Ёшларнинг турли соҳаларда катта муваффақиятга эришаётгани, футбол бўйича миллий терма жамоамиз илк бор жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритганини муболагасиз миллат ва юрт равнақиға камарбаста олтин авлод, дея таърифлашга асос бўлади.

Учрашувда ўғил-қизлар учун барча имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилгани қувонarliдир. Хусусан, илм-фан, технология, муҳандислик, математика, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби драйвер соҳаларга квоталар ажратилади.

“Рақамли авлод қизлари” танловида таълим, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, иқлим ўзгариши каби соҳаларда 7 минг ўқувчи ва талабанинг 120 та стартап лойиҳаси танлаб олинади. Олий ўқув юртлири ўртасида ҳам стартаплар бўйича ҳар йили “Энг яхши креатив ғоя” танлови ўтказилиб, голибларга шу олий даргоҳ жамғармасидан 300 миллион сўмгача грант берилади.

Саноат, сервис, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигида банд ёшларнинг

касбий ривожланиши бўйича тизим яратилади. Ҳар бир касб йўналиши бўйича ёшлар ўртасида республика мусобақалари ўтказилади. Бунда давлат салоҳиятли ёшлар ўқитилади. Улар вазир ва ҳокимларга бириктирилиб, тажриба ортттиради, хорижий стажировкага юборилади. Дастурни тамомлаган ёшлар раҳбарлик лавозимларига асосий номзод бўлади. Умуман, бу борада шу пайтгача ҳам анчагина амалий ишлар қилинган эди. Мисол учун, сўнгги етти йилда бошқарув кадрлари таркиби анча ёшариб, 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ошган. Шу кунларда юртимизда Глобал ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу форум нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ёшлари учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш майдони бўлади.

Президентимиз қайд этганидек, ёшларнинг ҳар бир ютуғи – бутун халқимизнинг ютуғидир. Уларнинг азму шижоати, соғлом дунёқараш, бахту иқболи ота-оналар, устоз ва мураббийларнинг ҳам бахту саодатидир.

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛАДИ...МИ?!?

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛСАГИНА НАТИЖА БЕРАДИ, ДЕЙШМОҚДА О‘ZLiDeP ДЕПУТАТЛАРИ

Расмий маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри аҳолиси 2023 йилда 2 миллион 700 минг нафарни ташкил этган. Статистика агентлигининг 2025 йил 12 майдаги ҳисоботига кўра, доимий яшовчи пойтахт аҳолиси сони 3 миллион 112 минг 800 нафарга етган.

Юқоридаги рақамлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, “нон ва тинчлик шаҳри” янги маҳаллалар ва турар жойлар қурилиши, Тошкентда иш ўринлари ва таълим имкониятлари яхшилиги ҳамда ички миграция ҳисобига ҳар йили тахминан 170 минг нафар аҳолига ўсмоқда. Бу эса уй-жойга бўлган талабни сезиларли даражада ошириши табиий. Шунга кўра, кўп қаватли уйлар қурилиши орқали аҳолига қулай ва барқарор турмуш шaroитини яратиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ, қурилиш сифатини таъминлаш ва хавфсизликни кучайтиришда муаммолар мавжудлиги ҳақида кўп гапирилади. Ҳўш, бу каби эътирозлар қанчалик асосли?

О‘ZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг “Тошкент шаҳридаги қурилаётган объектларнинг шаҳарсозлик меъёрларига қанчалик мослиги, аҳоли сони ва талабларига мувофиқлиги, қурилиш сифати ва хавфсизлиги, шунингдек, сифатсиз қурилиш ишлари юзасидан кўрилган чоралар ва уларнинг натижалари” мавзусидаги жамоатчилик назорати тадбирларини ўтказиш режасига асосан, О‘ZLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган эди.

Ушбу гуруҳ давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижросини назорат қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси (ИК) ҳамда Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасига тегишли сўровлар йўллади. Мазкур масалалар жорий йилнинг 21 апрелида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О‘ZLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама қилинди.

Унда Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Шерзод Мажидов иштирок этиб, ахборот тақдим этди. Унинг сўзларига кўра, пойтахтимидаги қурилиш объектларида хавфсизлик ва сифатни таъминлаш, соҳада аниқланган камчиликлар ва уларнинг сабаблари, шунингдек, сифатсиз қурилишларга нисбатан кўрилган чоралар ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Инспекция шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларидаги қурилиш ишларида шаҳарсозлик қонун ҳужжатлари, нормалари ва стандартларига риоя этилишини давлат назорати асосида амалга оширмоқда. Таъкидланишича, бу жараёнда бюротмачи томонидан олиб бориладиган техник назорат, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ҳамда пудратчиларнинг қурилиш-монтаж ишлари қатъий текширувдан ўтказилади.

Сўнгги йилларда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш, сейсмик хавфсизликни таъминлаш ва биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш бўйича давлатимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки халқаро миқёсда рўй берган кучли зилзилаларнинг салбий оқибатлари мамлакатимизда ҳам ушбу соҳада янада қатъий ёндашувни тақозо этмоқда.

Жумладан, йиғилишда қурилиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунларга қатъий амал қилиш юзасидан назоратни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Сифатсиз қурилиш ишларига нисбатан барча материаллар йиғилиб, доимий назорат остига олинаётгани маълум қилинди.

Ҳозирда пойтахтда 2 500 та қурилиш объекти мавжуд бўлиб, шулардан 1 000 тасининг қурилиши тўхтатилган, 1 500 тасида эса ишлар давом этмоқда. Қурилишнинг тўхтатилишига турли сабаблар – молиявий таъминот етишмаслиги, рухсатномаларнинг йўқлиги ёки қурилишнинг ноқонуний амалга оширилгани каби омиллар сабаб бўлмоқда. Айниқса, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини қуришда шаҳарсозлик қоидалари кўпол равишда бузилаётгани кўп бора қайд этилмоқда.

Шу муносабат билан, мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 99-моддасига мувофиқ ҳуқуқий баҳо берилиши, яъни шаҳарсозлик қонунчилигини бузганили учун белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши таъкидланди.

Тошкент шаҳрида қурилаётган уй-жойлар сифати, хавфсизлиги, соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларга сабаб бўлаётган омиллар кўп тартибининг наббатдаги муҳим масаласи сифатида кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инвестиция компанияси раҳбарининг ўринбосари Сирожиiddин Жумаев сўзга чиқиб, соҳа бўйича кенг қамровли маълумотларни тақдим этди.

Шаҳарсозлик меъёрларига қанчалик мос?

Маълум қилиндики, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” томонидан барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар лойиҳалари танлов асосида республикадаги илғор лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади. Бу лойиҳалар амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва меъёрларига тўлиқ мос равишда тайёрланади.

Лойиҳанинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш жараёни дастуру олди ҳужжатларини тўплашдан бошланади. Ушбу нормативлар таркибига:

- қурилиш учун ер ажратилиши тўғрисида ҳукумат қарори ёки онлайн аукцион натижалари;
- ер майдонининг кадастр ҳужжатлари;
- ҳудуднинг топографик ва геологик ҳолати бўйича ҳисоботлар;
- сейсмик ҳолат ҳақида хулоса;
- архитектура режалаштириш топшириғи ва қурилиш-га рухсатнома;
- техник кенгаш хулосаси ҳамда муҳандислик тармоқлари бўйича техник шартлар;



- тасдиқланган бош режа ва лойиҳалаш топшириғи;
- атроф-муҳитга таъсир бўйича баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти хулосаси кирради.

Ушбу асосий ҳужжатларга асосан ишланган лойиҳасмета материаллари онлайн тарзда “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази” давлат муассасасида экспертизадан ўтказилади. Фақат ижобий хулоса олингандан сўнггина пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузилади ва объектлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида рўйхатга олинади.

Аҳоли эҳтиёжлари қондириладими?

С.Жумаевнинг маълум қилишича, қурилаётган уй-жойлар аҳоли сони ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилмоқда. Бу жараёнда шаҳарсозлик нормалари ва қурилиш меъёрлари (ШНК) талабларига қатъий амал қилинади.

Лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқилаётганда:

- ташқи муҳандислик тармоқларининг қуввати;
- бино йўлгадаги зинапоёллар сони ва тури;
- болалар майдончаси, дам олиш ва спорт ҳудудлари;
- автотурагоҳлардаги ўринлар сони;
- чиқиндиларни йиғиш пунктлари ва яшил ҳудудлар майдони;
- ёнгинага қарши чора-тадбирлар каби омиллар инобатга олинади.

Шунингдек, лойиҳаларда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, бошқарув-сервис компаниялари бинолари, мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектлари ҳам назарда тутилади.

Қизиги шундаки, хонадонлар савдоси жараёнида харидорлар фикрлари инобатга олинб, келгусидаги лойиҳаларда уларни эътиборга олиш амалиёти ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу эса лойиҳаларнинг халқ талаб ва эҳтиёжларига мослашишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сифат ишончлими, хавфсизлик-чи?!

“Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишларида сифат ва хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Компаниянинг масъуллари томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, қурилиш объектларининг сифатли барпо этилиши ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши мақсадида бир қатор тизимли чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, қурилиш ишлари бошланганидан олдин ҳар бир объект бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинимаси билан тегишли шартнома имзоланади. Мазкур инспекция томонидан бириктирилган масъул ходим қурилиш-монтаж ишлари жараёнида доимий назоратни амалга оширади.

Бундан ташқари, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” компаниясининг Қурилишда техник назорат бўлими томонидан ҳар бир объектка махсус техник назорат муҳандиси бириктирилади. У қурилиш сифати, материаллар стандартларга мувофиқлиги, технология жараёни ва хавфсизлик чораларининг тўғри бажарилишини таъминлайди.

Шунингдек, лойиҳа ташкилоти билан муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича шартнома тузилади. Бу назорат қурилишнинг лойиҳа ҳужжатларига тўлиқ мос бўлишини таъминлайди ва уни лойиҳа ташкилоти томонидан бириктирилган мутахассис амалга оширади.

Қолаверса, қурилиш жараёнини жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва тезкор ҳал этиш мақсадида “Ўзшаҳар қурилиш инвест” раҳбарияти томонидан ҳар ҳафта объектлар кўздан кечирилади. Жойлардаги ҳолатга қараб зарур чора-тадбирлар белгиланади ва амалга оширилади.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида компания томонидан фақатгина Давлат стандарти сертификатига эга қурилиш материаллари қўлланилади. Қурилиш жараёнида технология қоидаларга тўлиқ риоя этилади.

Лойиҳаларда биноларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, ёнгинага қарши химоя, шовқиндан изоляция қилиш ҳамда энергия самарадорлигини таъминлаш учун:

- қуёш панеллари ва ҳаракат сенсорли ёриткичлар (йўлақлар ва ҳовиллар учун);
- иссиқлик изоляция материаллари (газобетон, пеноплекс, базальт толали ва минерал толали қопламалар);
- икки қаватли ойнали деразалар, шовқиндан химоя қопламалари билан таъминланган деворлар;
- лифтлар узлуқсиз ишлашини таъминлаш мақсадида ҳар бир бино учун алоҳида дизель генераторлар ўрнатилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур чоралар фақат қурилиш сифатини ошириш учун эмас, балки келгусида фойдаланувчиларнинг ҳаёти ва қулайлигини таъминлашни ҳам кўзда тутаяди.

Сифатсиз қурилиш учун жавобгарлик кучайди

Қурилиш соҳасида сифат талабларига риоя этмаслик, хавфсизликни таъминламаслик ҳолатлари учраганда тегишли назорат органлари томонидан белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда, – дейишди “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК вакиллари, мутасадди идора масъуллари иштирокидаги йиғилишда.

Бунёдкорлик жараёнида Давлат қурилиш назорати инспекцияси, техник назоратчи ёки муаллифлик назоратини амалга ошираётган масъул томонидан ишларда сифатсизлик ёки меъёрлар ва талабларга риоя қилинмаётгани аниқланса, бу каби ҳолатларда қурилиш ишлари дарҳол тўхтатилади.

Агар технологик жараёнида нотўғри бажарилган бўлса, ушбу ишлар юзасидан тегишли ташкилотлар хулоса беради. Бундай ҳолатларда қурилиш нормаларига мос келмаган бино қисмлари бузилиб, иш қайтадан, белгиланган тартибда амалга оширилади. Камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаган пудрат ташкилотларига нисбатан қонун доирасида жарима санкциялари қўлланилади ва маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О‘ZLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари йиғилиш давомида шаҳардаги қурилиш объектларида сифат ва хавфсизликнинг таъминланиши, соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларга сабаб бўлаётган омиллар юзасидан фикр билдирди.

Сифатсиз қурилиш объектларига нисбатан кўрилган чоралар ва уларнинг амалий натижалари батафсил муҳокама қилинди. Депутатлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар тингланди. Жумладан, кўп қаватли уй-жойларнинг шаҳарсозлик меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш, бу борадаги назоратни кучайтириш ва соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларни тартибга солиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ўзаро мулоқот шаклида ўтган мазкур йиғилишда қурилиш соҳасидаги долзарб муаммолар, уларнинг ечими, ноқонуний қурилишларга чек қўйиш ва шаҳарсозлик ҳужжатларига қатъий риоя этиш масалалари батафсил муҳокама қилинди. Шу билан бирга, қонунчиликка мувофиқ фаолият юритиш, масъулиятини ошириш ва идоралар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Қолаверса, қурилиш жараёнида ногиронлиги мавжуд, жисмоний фаолияти чекланган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжлари инобатга олиниши, турар жой ва бошқа иншоотларни уларнинг ҳаракатланишига мослаб, қулай шаклда барпо этиш зарурлиги таъкидланди.

Депутатлик таклифлари:

Ушбу йиғилишда қатнашган Мажид Тоҳиров, Иномжон Мажидов, Сергей Миронов, Давронбек Равшанбеков, Серикбай Усенов ва Миробод туман кенгаши депутати Бобур Раҳимов сингари халқ вакиллари ушбу мавзу юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

- шаҳарсозлик соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларининг мукамал эмаслиги оқибатида ноқонуний ва сифатсиз қурилишлар амалга оширилаётгани;
- муаллифлик назорати механизмининг жорий этилмаганлиги қурилиш сифатига ва энергия тежамкорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани;
- лойиҳа-олди ҳужжатлар ва техник шартларнинг тўғри ишлаб чиқилмаётгани, муаллифлик назоратининг тўлиқ амалга оширилмаётгани лойиҳа ҳужжатлари сифатини пасайтираётгани;

– бюротмачи хизматига ҳақ тўлаш механизмларининг аниқ белгиланмагани, иш юкламаси ва моддий жавобгарлик мезонларининг йўқлиги;

– қурилиш устидан назорат тизимининг шаклланмаганлиги ва масъулларнинг жавобгарлигини аниқлашда ҳуқуқий механизмлар етарли эмаслиги;

– давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг қурилиш жараёнига асоссиз аралашуви, объектларни белгиланган вақтида топширишга ҳалал бераётгани ва бу орқали хавфсизлик ва сифатга путур етаётгани;

– назорат органларининг ходимлари текширувларда мутасадди мутахассисларни жалб қилмаслиги, бу эса давлат назоратини самарасиз қилиб қўётгани;

– фойдаланишга қабул қилинмаган объектларни давлат рўйхатига киритиш ҳолатлари аҳолида эътирозларга сабаб бўлаётгани;

– қонунбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан назорат органлари фаолиятини кучайтириш, зарур ҳолларда ҳуқуқий чоралар кўриш;

– қурилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг фойдаланиш маданиятини ошириш юзасидан ташвиқот ишларини фаол олиб бориш;

– ногиронлиги бўлган шахслар учун пандусларни барча биноларда қуриш мажбуриятини таъминлаш;

– пандуслардан ташқари, махсус кўтарма мосламаларни ҳам жорий қилиш зарурлиги;

– лойиҳалашда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига устуворлик бериш масаласини кўриб чиқиш;

– қурилиш жараёнида малака, билим ва тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш зарурлиги;

– энергия тежовчи технологиялар, қуёш нурини қайтарувчи ойна, вермикулит аралашмаси ва бошқа самарали материаллардан фойдаланиш орқали ресурслар тежалиши;

– молиялаштириш манбалари шаффоф ва кафолатланган бўлиши, ишчиларга ўз вақтида ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш чоралари қурилиши лозимлиги;

– шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини доимий равишда янгиллаб бориш зарурлиги;

– маҳаллий ҳомашени қайта ишлаш орқали қурилишда фойдаланишга йўналтирилган бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш;

– қонун бузилишлари билан қурилган иморатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, қурилганлари бўйича фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бориш;

– қонун бузилишлари аниқланган ҳолларда, юридик ва жисмоний шахсларга рақамли тизим орқали ёзма кўрсатмалар бериш амалиётини жорий этиш;

– ахборот технологияларини жорий этиш орқали инсон омилини камайитириш, бюрократик тўсиқларни йўқ қилиш;

– Давлат-архитектура назорати фаолиятини кучайтириш, қонунбузилиш ҳолатларида жавобгар шахсларга чора кўриш;

– замонавий қурилиш технологияларини жорий этишда ёрдам бериш ва энергияни тежовчи лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

– қурилиш ишлари шаҳарсозлик нормаларига мос амалга оширилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш;

– тадбиркорлик учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш;

– ижтимоий, уй-жой ва инфратузилма объектларини сифатли қуриш учун мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш каби муҳим таклифлар илгари сурилди.

Йиғилиш якунида тақлим этилган барча ташаббуслар юзасидан масъул ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди. Қурилиш соҳасида жорий этилиши лозим бўлган кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишли тавсия қилинди.

Шу билан бирга, ҳар бир қурилиш лойиҳаси – янги инфратузилма, янги хизматлар, иш ўринлари ва энг муҳими, аҳоли учун қулай турмуш шaroитини яратишга хизмат қилиши таъкидланди. Шунга мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ушбу йўналишда фаол ҳамкорликда иш олиб борилиши белгиланди.

Мухтасар айтганда, қурилиш соҳасида сифат ва хавфсизлик – жамият тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан бири. Тошкентда олиб борилаётган чора-тадбирлар, мутахассислар ва депутатлар иштирокидаги очиқ мулоқотлар бу йўлда муҳим қадамлар ҳисобланади. Қурилишда сифат назоратининг кучайтирилиши, янги технологиялар жорий этилиши ва қонунчилик талабларининг қатъий бажарилиши – барчамиз учун қулай, хавфсиз ва замонавий шаҳарни яратишга хизмат қилади.

“XXI asr” мухбири
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

БУГУННИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ҒАНИМАТ

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон, унинг ҳаёт, қадр-қиммати, заҳматли меҳнати ва табиийки, эртанги ёруғ келажаги турганлиги шубҳасиз. Шу маънода O'zLiDeP ва унинг парламент куйи палатасидаги фракцияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли бурчакларида сайловчилар ҳамда аҳолининг турли қатлами вакиллари билан мунтазам равишда юзма-юз мулоқотлар, учрашувлар, жумладан, сиёсий куч томонидан ҳаётга кенг татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар юзасидан муҳокамалар ўтказиш анъананага айлангани эътирофга лойиқ ишлардан бири десак муболага қилмаймиз.

Ана шундай тадбирлар яқинда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижрония кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси Актам Ҳайтов бошчилигидаги ишчи гуруҳ шафелигида Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларида ташкил этилди.

Дастлаб **Касби тумани**даги "Саидакбар Саидхоро" фермер хўжалиги фаолияти билан танишилди. Мулоқотда туман фермерлари ҳам иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси хусусида сўз юритдилар. Эришилаётган муваффақиятлар билан бирга аграр соҳада ўз ечимни кутаётган қатор долзарб масалалар ҳам ўртага ташланди. Масалан, сув солиғи ортиб кетмаслиги учун такрорий экин жойлаштирилиши тўғрисидаги тасдиқланган ҳужжатларни солиқ органларига ўз вақтида тақдим этиш, дала дўконлари сонини кўпайтириш, ғўза ниҳоллари парваришини юксак агротехнологиялар асосида ташкил этиш зарурлиги алоҳида кайд этилди. Шунингдек, сув танқислигининг олдини олиш мақсадида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ускуналаридан кенг фойдаланиш, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ўз навбатида далаларини электр насослар орқали суғораётган баъзи фермерлар электр тўловлари учун субсидиялар олишда амалий ёрдам зарурлигини билдиришди.

– 2023 йили даламизга томчилатиб суғориш ускунаси ўрнатиш бўйича бир турк тадбиркори билан шартнома имзолаган эдик, – деди тумандаги "Чўли ўғли Очил қасооб" фермер хўжалиги раиси Жумабек Чўлиев. – "Агробанк"нинг туман бўлимидаги ҳисобимиз орқали ушбу тадбиркорнинг фирмасига 426 миллион сўм маблағ ўтказиб бердик. Бир нечта қувурларни келтириб берганидан сўнг ҳалиги шахс бедарак кетди. Нафақат мен, балки тумандаги яна беш нафар фермер ҳам ана шу фирманинг ҳисоб рақамига катта миқдорда маблағ ўтказиб, оқибатда фирибгар тўзогога илинганимизни билмай қолдик. Энди эса сарсон-саргардон юрибмиз. Биз мурожаат қилмаган идора деярли қолмади, ҳозирги кунгача ҳеч қандай амалий ёрдам йўқ.

Фермер Жумабек Чўлиев хулосасига кўра, энди раҳбарлар келгусида мажбурий шартнома туздиршидан олдин тадбиркорнинг фаолияти ва амалга оширган ишлари билан яқиндан танишишлари шарт. Ишчи гуруҳ ушбу масала бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва фермерларнинг йўқотилган

ка экиларкан. 10 сотих майдондан йилига уч марта ҳосил олиб, 60–70 миллион сўмгача даромад қилишмоқда. Биринчи галда саримсоқ пиёз, кейин картошка, охирида эса



маккажўхори экилади. Саримсоқ ва макка донини экспортга чиқариш режалаштирилган бўлса-да, ҳозирча маҳсулот маҳаллий бозордаёқ тугаб қолмоқда.

– Бизни кўп йиллардан бери оқова сув муаммоси қийнаб келаяпти, – дейди Тўракул бобо. – Ерларимиз жуда шўр, ер ости сувлари ҳам ичиш учун яроқсиз. Шу билан бирга, халқимиз жуда меҳнатсевар. Эрта баҳордан қора қишгача томорқада иш тугамайди. Ҳозирда лотоклар ўрнатиляпти. Худо хоҳласа, оқова сув масаласи ҳам ҳал бўлар. Кишлоғимизда деярли ҳар бир хонадонда чорва бор. Шу боис сут маҳсулотлари ва ғўшт бошқа жойларга нисбатан арзон.

МФЙ ҳудудидаги кишлоқ йўллари бутунлай яроқсиз ҳолатга келиб қолгани ҳам кайд этилди. Аҳоли сонини нисбатан кам бўлгани боис "Очик бюджет" дастурида ғолиб чиқиш қийин кечмоқда.

– Қанийди, депутатларимиз бу борада бизга амалий ёрдам берсалар, дуо қилардик, – дея умид билдирди Тўракул бобо.

электр энергияси ишлаб чиқарилди. Жорий йилда яна 1,1 МВт қувватга эга қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган, – деди корхона директорининг ўринбосари Актам Тўраев.

Учрашувда завод ишчи-хизматчиларига қонунчиликдаги янгиликлар, партиянинг сайловчилар дастури, мамлакатдаги сиёсий жараёнлар ҳақида атофлича маълумот берилди.

Қарши давлат университетининг хорижий тиллар факультетида янгича ёндашувлар асосида ташкил этилган замонавий медиастудияда ишчи гуруҳ аъзолари билан уюштирилган жонли мулоқот кўпчиликини қизиқтириб қўйди. Бу студия ёшларга масофа-



маблағларини ундириб олишда тегишли тартибда қонуний чора кўриш бўйича маслаҳат берди. Шу тумандаги "Мўғолон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган "SULTON TEX GROUP" хусусий корхонасида кечган суҳбат ҳам таассуротларга бой бўлди.

Миришкор туманидаги Миришкор маҳалласида яшовчи 80 ёшли Тўракул бобо Нусратовнинг томорқачилик бобидаги тажрибаси билан танишсангиз ҳайратда қола-сиз. Чунки бу хонадонда кўли бўш одамнинг ўзи йўқ экан, кимдир чорва молларига қара-япти, яна бири картошка парвариши билан машғул, бошқаси...

Айтишларича, маҳаллада 715 та оила истиқомат қилаётган бўлса, деярли ҳаммасининг томорқасида саримсоқ пиёз, картош-

O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Ҳайтов фаоллар билан бирга **Муборак газни қайта ишлаш заводи** ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашди.

Маълумки, бу корхонада табиий газ олтингурутли бирикмалардан тозаланиб, қуритилади ҳамда техникавий олтингурут, барқарорлаштирилган газ конденсати ва су-юлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Кейинги 9 йил мобайнида корхонада қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

– 2024 йилда завод ҳудудига қуввати 1 МВт бўлган қуёш панеллари, 35,4 минг литр сиғимли 177 комплект қуёш сув қиздириш қурилмалари ҳамда 300 кВт қувватга эга 182 донга қуёш панелли ёритиш чироқлари ўрна-тилиб, ишга туширилди. Ушбу қурилмалар орқали 2024 йил давомида 2,4 миллион кВт

вий таълим беришда муҳим ўрин тутмоқда. Замонавий архитектура асосида барпо этилган 5 қаватли, 1000 ўринли янги ўқув биносига француз, инглиз, корейс ва немис тиллари ўргатилаётган. Бино таркибиде медиастудия, синхрон таржима аудиторияси, кенг ва қулай маърузалар зали, тиббий муолажа хонаси, лингафон хоналари, кутубхона, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган замонавий компьютер хоналари мавжуд. Шунингдек, ўқув ва лаборатория хоналари интерактив доскалар ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Актам Ҳайтов факультетда хитой тилини ўргатаётган хорижлик мутахассис Самия хоним билан суҳбатлашди. У яратилган шарт-шароитлар, талабаларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқиши ва ўзлаштириш даражасидан мамнун эканлигини билдирди.

Ҳозирда мазкур факультетда 1280 нафар талаба таълим олмоқда. Мулоқот давомида япон ва бошқа хорижий тилларни ўргатиш йўналишида амалий ишлар кўламини кенгайтириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Қашқадарё вилоятидаги ОТМ орасида ягона бўлган "Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш" ўқув-илмий лабораторияси ва унга туташ гелиополигон Қарши давлат университети ҳудудида, кишлоқ хўжалигига яроқсиз ер майдонида барпо этилган.

Мазкур лаборатория – Қашқадарё худудий электр тармоқлари акциядорлик жамияти ҳамда университет ҳамкорлигидаги "Илғор муҳандислик мактаби"нинг ўзига хос намунаси сифатида фаолият юритмоқда. У нафақат муҳандис кадрларни тайёрлаш, балки муқобил энергия соҳасида илмий ечимлар топиш, тадқиқот ишларини амалга ошириш вазифасини ҳам бажармоқда. Бу ерда анъанавий таълимдан фарқли ўлароқ, талабалар мураккаб масалаларни ҳал этиш орқали амалий тажрибага эга бўлиш имкониятига эришмоқдалар.

Мазкур университетда халқаро талабалар ва замонавий стандартлар асосида ташкил этилган Талабаларга хизмат кўрсатиш ҳамда "O'zmilliybank" АЖ ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажаққа қадам" худудий марказларида яратилган шароитлар ҳам O'zLiDePчиларга манзур бўлди.

Мулоқотлар дастурига кўра **Қарши шаҳридаги "AVITSENNA SCHOOL"** хусусий мактаби ва **"Alp Texno Servis"** хусусий корхонаси фаолиятига оид янгилик ва ўзгаришлар бугунги давр талабларига мослиги билан ажралади туради. Асосийси, партия лидери маҳаллийлаштириш даражаси 46 фоиздан ошганини, бу ерда 160 нафар ёшлар доимий иш билан банд эканини таъкидлаб, бундай корхоналар партия дастурий мақсадларига тўлиқ мос келишини алоҳида кайд этди. Жамоа аъзоларига партия ғоялари тарғиб қилиниши билан бирга, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

ТУРИЗМ

УЧУН ЭНГ ҚУЛАЙ МАНЗИЛГА

АЙЛАНАДИ

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи биз учун ҳар сафар катта байрамга айланиб кетади. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ислохотлар самарадорлиги таҳлил этилиш асносида янги-янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга йўл очилади. Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабз тумани Ҳисор тоғи ён-бағрида жойлашган "Мираки" халқаро туризм марказининг сайёҳлик салоҳияти билан танишар экан, вилоятда бу соҳани ривожлантириш борасида амалга ошириладиган муҳим лойиҳалар ижроси юзасидан кўрсатмалар берди.



Шуҳрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар,
хотин-қизлар,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси аъзоси

Меҳмонхоналар, дам олиш ва кўнгилочар ҳудудлар ташкил этиш, сайёҳларга миллий маданиятни кенг намойиш қилиш, тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш, тармоқчи ахборот технологиялари билан таъминлаш борасидаги вазифалар ҳақида батафсил айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосида воҳамизнинг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этиш ишлари давом этмоқда. Хорижий давлатларнинг малакали экспортлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темур, Улоҳ ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қулайликлар яратилляпти. Умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга оширилгач, 1 минг 700 та доимий иш ўрни очилди.

Кейинги йилларда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида қатор амалий ишлар бажарилди. Туризм аҳамияти жиҳатидан ватанимизни дунёга танитишда спорт, санъат ва маданиятнинг бошқа соҳалари қаторида муҳим ўрин эгаллайди. Қадимий шаҳарларимизнинг неча минг йиллик тарихи, мозий қазридаги дурдоналар, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш борасидаги кенг қўламли ишлар туризм имкониятларини янада кенгайтди. Воҳамиздаги кўплаб тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бири ўз тарихига эга қадимий ёдгорликлар ҳамда Амир Темур давридан бизгача сақланиб келган бебаҳо маданий мерос билан танишиш, вилоятимизнинг бетакорр табиатида баҳраманд бўлиш учун ташриф буюрувчилар сонини йилдан-йилга кўпайтмоқда.

"Туризм ҳалқаси"га кирган магистрал ва ички йўллارни сифатли таъмирлаш, туризм қишлоқларини ташкил этиш, хунармандчилик ва гастрономия марказлар ташкил қилиш, чегара пунктида юртимиз салоҳиятини кўрсатадиган "туризм бурчаги" ташкил этиш, тоғли ҳудудларга пиёда чиқиш (трекинг) сайёҳлик маршрутига рухсат беришни соддалаштириш борасида ва-зифалар белгиланди.

Ички туризмга эътибор туфайли маҳаллий сайёҳлар сонини кун сайин ортиб бораётгани қувонарли. Аммо, юртимизда умргузаронлик қила туриб, ҳалигача Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзга бормаган инсонлар борлиги рости. Бундан бундан бундан битта шанба ва якшанбаси – "Оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш куни", деб эълон қилиниши, ёшлар ўртасидаги мусобақа ғолибларига ҳам "Ўзбекистон буйлаб саёҳат" йўлланмасини совға қилиш анъанаси йўлга қўйилгани туризм ривожига хизмат қилаётганини таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда вилоятимизда 1 минг 311 маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, 1 минг 41 таси археология, 200 таси архитектура, 43 таси ҳайкал ва 27 таси диққатга сазовор жойлардир. Олдимизда вилоятда экстремал туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, маданий мерос объектиларини реставрация ва консервация қилишга хусусий секторни жалб этиш, маданий мерос объектиларини тадбиркорларга ижарага бериш, туризм тушумлари шаффофлигини таъминлаш, бар-

ча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган "ягона туристик карта" жорий этиш борасида улкан вазифалар турибди.

Туризмни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, янги туризм йўналишлари ва фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, сайёҳлик йўналишларини кўпайтириш, экотуризмни янада ривожлантириш, меҳмонхона ва сервис хизмати имкониятларини кенгайтириш, соҳада фаолият юритмоқчи бўлган ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит маблағлари ажратиш, туристик фирмаларга лицензия бериш тартибини соддалаштириш, маршрутлар ҳамда вилоят қўриқхоналарини жаҳон стандартлари даражасида такомиллаштириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Шаҳрисабздаги Оқсарой мемориал комплекси, Қамашидидаги Лангар ота, Яккабоддаги Хўжа илғор ота, Қарши туманидаги Абул Муин ан-Насафий, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир, Ҳазрати Мавлоно Хўжа Имканига зияратгоҳларига хорижий мамлакатлардан ҳам сайёҳлар ташриф буюраётгани улуғ аждодларимизга бўлган чексиз эътиром рамзидир.

Қадимий ёдгорликлар, қутлуғ қадамжоларни ободонлаштириш, бетакорр жиҳатларини кўрсатиш борасида изланишлар олиб бориб, тарихий обидалар ва зияратгоҳлар ҳақида реклама роликлари, буклет, рисолалар тайёрлашда таниқли ижодкорлар ва тарихчи олимлар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз керак. Зеро, туризм мамлакатимизнинг турли соҳалардаги имкониятларини юртимиз аҳолиси ва дунёга намоян этишининг ўзига хос воситаси экан, бундан тўлақонли фойдаланиш учун бор имконият, билим ва тажрибамизни ишга солишимиз талаб этилади.

Гастрономик саёҳатлар, хунармандчилик машғулоти, санъат фестиваллари орқали маданий ва иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган креатив туризмни ривожлантириш ҳам мамлакатимизнинг халқаро ижобий қиёфасини мустаҳкамлаш, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, қолаверса, маданий дипломатияни кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Вилоятимизга шу йилнинг ўтган даври мобайнида 500 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Бу эса туристларнинг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид солувчи ҳар қандай салбий оқибатларнинг олдини олиш ва хавф-хатарларни бартараф этиш вазифасини юқлайди. Таъкидланганидек, туризм кам маблағ сарфлаб, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, аҳоли даромадини ошириб, худудлар қиёфасини тубдан ўзгартирадиган соҳа ҳисобланади. Вилоятимизда бу борада қатор имкониятлар борки, ундан самарали фойдаланасанк, сайёҳлар оқими кўпайиб, иқтисодиётимиз янада юксалади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган туризм инфра-тузилмасини яхшилаш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, соҳанинг қонунчилик асосларини кучайтириш, мамлакат имижини тарғиб этиш баробарида иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада яхшилашда дастури-ламал бўлиб хизмат қилади.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

Улар халқаро бозоргача чиқишяпти

О‘ЗЛИДЕРНИНГ КАТТА ЛОЙИХАЛАРИДАН БИРИ – “ИШБИЛАРМОН АЁЛ” КўРИК-ТАНЛОВИНИНГ БУ ЙИЛГИСИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУНЁДҚОР АЁЛЛАРИ” ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛМОҚДА. ХАБАРИНГИЗ БОР, АЙНИ ДАМДА ТАНЛОВНИНГ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ САРАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

КАШҚАДАРЁ



О‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Миришкор туман кенгаши “Аёллар қаноти” ҳамкорлигида ушбу танловнинг маҳаллалар босқичида “Янги Миришкор”, “Айзобод”, “Балуч”, “Янги Жейнов”, “Барака”, “Янги ариқ”, “Наврўз”, “Жейнов”, “Аввона”, “Миришкор”, “Навбахор”, “Ўзбекистон”, “Ободон”, “Миробод”, “Нурафшон”, “Гулшанбоғ”, “Янгиобод”, “Бўстон”, “Қумбанги”, “Вори”, “Гулистон”, “Шодлик”, “Истиқлол”, “Юксалиш”, “Чандир”, “Маданият” МФИларида фаолият юритаётган тадбиркор ва хунарманд аёллар иштирок этди.



Улуғй Раимова кўп йиллардан буён томорқасига помидор, бодринг, лавия, булғор қалампир, картошка, сабзи ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиб, бозорга чиқаради. 100 бош парранда ҳам боқяпти. Ўтган йили “Намунали томорқачи” кўрак нишони билан тақдирланган эди. Янги Миришкор ва Янги Жейнов маҳаллаларида яшовчи Ойхол Зарипова ва Гулжаҳон Эминова пишириқлар, нон, пати, турли хил ширинликлар тайёрлаб, бозор ва савдо дўконларига чиқаришди. Улар “Аёллар дафтари”-нинг киритилган 13 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган.

рин, апельсин етиштириб, ҳар йили камида 20-25 миллион сўм даромад қилапти. Иссиқхонасида ўн аёл ишлайди. Эллиқдан ортиқ ёш оилаларга иссиқхоначилик тажрибасини ўргатган. Баракалик Солиха Тошмаматова сунъий гуллар ясаш билан шуғулланади. Бўстонлик Дилфуза Жумаевани “Кўчатчи ишбилармон аёл” дейишади. Чунки йилнинг тўрт фаслида ҳам ундан помидор, бодринг, тарвуз, булғори, қарам ва бақлажон кўчатларини сотиб олиш мумкин.

Хуллас, танлов иштирокчиларидан ўн нафари туман босқичида иштирок этадиган бўлди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

НАВОИЙ



Навоий вилоятининг олис ҳудудларидан бўлган Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтган танловда Кончилар, Навоий, Олтин водий, Ўзбекистон, Қурувчи, Истиқлол, Ёшлик, Тинчлик, Баҳор, Геолог, Юлдуз, Янги Зарафшон, Наврўз, Дағистау маҳаллаларидан ишбилармон хотин-қизлар иштирок этди.

– Ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган мўъжазгина корхонамизда 20 нафарга яқин хотин-қиз ишлайди, – дейди Геолог маҳалласидан иштирок этган “Pari-choking” оилавий корхонаси раҳбари П. Насруллаева. – Бу танлов менга янги имкониятлар ашигини очди. Маҳсулотларимга қизиқиш билдирганлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Энг асосийси, тажрибали ҳамкасбларимдан фаолиятимни кенгайтириш учун янги ғоя ва илҳомлар олдим. Режаларим амалга ош-



са, янада кўпроқ иш ўрни яратилиб, даромадимиз ошади. Навбахорлик тадбиркор Латифат Ориповани бугун танловнинг олд қадами бўлиб қолди. Унинг раҳбарлигидаги “Навбахор ширинликлари” оилавий корхонасида борган партия фаоллари бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари, ходимларга яратилган шaroитлар билан танишди. Юзма-юз мулоқотда етакчи кучнинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишди. Ушбу танлов меҳнаткаш, изланувчан аёлларнинг кашф қилиш ва уларга кўмак бериш мақсадида ташкил этилгани айтилди. Соҳа эгаларига қаратилаётган эътибор ва қўллаб-қувватлаш баён қилинди.

Ўз навбатида либерал партиянинг мақсад ва ғояларига хайрхоҳлик билдирган ишчи-ҳодимлар партия сафига қабул қилинди. Қувонарлиси, “Навбахор ширинликлари” корхонасида сийсий кучнинг янги бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Қундуз ЭШҚОРАЕВА,
О‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши бўлим мудир

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

БАЛЛИ, БИНОКОРЛАР!



Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг фаровонлигини ошириш, сифатли тиббий хизматни таъминлаш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кўпгина ҳудудларда янги замонавий шифохоналар, мактаб ва боғчалар, турар жойлар барпо этиляпти.

Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги Телминг маҳалласида аҳоли сони ортиб бораётгани туфайли шу ердаги 28-оилавий поликлиника ҳузурда қўшимча бино қуриб топширилди. Энди бу ерда стоматология, гинекология, лаборатория ва муолажа хоналари фаолият юритмоқда. Ушбу шифо маскани вилоятдаги “Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати” буюртмаси асосида тажрибали қурувчи Ойбек Сайфидинов раҳбарлик қилаётган “Само кўрки” масъулияти чекланган жамиятининг малакали



бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Шунингдек, Қува туманидаги Олтинариқ маҳалласида жойлашган оилавий поликлиникага ҳам қўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу саломатлик маскани шу ҳудуддаги 5 та қишлоқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Барча тиббий ускуналар билан жиҳозланган ушбу бино “Independent broker” хусусий корхонаси қурувчилари томонидан меъёрий талабларга мувофиқ қуриб битказилди.

Яна бир муҳим янгилик – Фурқат туманидаги тиббиёт бирлашмаси қошида икки қаватли янги болалар поликлиникаси иш бошлади. Унда таҳлил ва шифокор хоналари, замонавий муолажа хизматлари кўрсатиш учун барча шaroитлар мавжуд. Энди болалар саломатлиги янада юксак эътибор билан муҳофаза қилинишига кафолат бор.


Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” муҳбири

Хизматлар лицензияланган

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Пиримқул ҚОДИРОВ:

Милдан айрилган халқ, маънавий Ватанидан жудо бўлади!



Барча замонларда ҳам ижодкорнинг сўзи китобхонлар, адабиёт мухлислари руҳига, шуурига ўзгача таъсир кўрсатган. Элимизнинг семимли ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг салмоқли романлари, бир-биридан ширали қисса ва ҳикоялари китобхонларнинг семимли асарларига айлангани шубҳасиз. Шу билан бирга, адабнинг турли йилларда эълон қилинган суҳбатларидан иқтибослар бугун ҳам кўпчиликини қизиқтиради, фикрлашга чорлайди, деб ўйлаймиз.

Биз яшаган даврнинг кўп қисми фожиаларга тўла бўлди. Болалик йилларимиз Сталиннинг шафқатсиз зулми кучайган пайтга тўғри келган. Отамиз катта ўғил тўйи қилгани сабабли оиламизни қаҳратон қиш кунинда Кенгўлдан Оқсув қишлоғига зўравонлик билан кўчиришганди. Шунда икки-уч яшар бола эдим. Мендан кичик — олти ойлик Рабим деган укам ҳам бор эди. Қор қалин, изгириш, бизни тоғам билан онам кўрпаларга ўраб, отларга миндириб олишди. Ора у қадрар узоқ эмас: йигирма чақиримча келади. Аммо пасту баланд тоғ йўллари музлаб қолган; отлар нукул тоиб йиқиллаверди. Ағанаб кетган кўчаларни қайта ортунларича биз дийдираб совуққа қолдик. Укачам қаттиқ шамоллаб, Оқсувга келганимизда вафот этди. Унинг қабричаси ҳали-ҳануз кўз ўнгимда турибди...

Ҳамма соҳада турли даражадаги ижодкорлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Майли, ўртамийналар ҳам ижод қилавершсин, лекин уларнинг истеъдодсизлиги ёлғон билан бурканмаган бўлса бас. Аммо даҳшатли бир томони шундаки, улар, ақсарият ҳолларда, гуруҳларга бирлашиб, ҳақиқий истеъдодларнинг умрига завол келтиради. Диллари ижоддан кўра кўпроқ бахиллик ва ифвогарлик туйғулари билан банд бўлади. Шундайлар тўғри Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат... қурбон бўлиб кетишди. Ҳозир улар фот этиляпти. Гуруҳбозлар бугун ҳам кўп, лекин вақти келиб, буларнинг ҳам ҳақиқий қиёфаси очилади, авлодлар олдида жавоб беришади!

Арзу дод қилишни ёмон кўраман. Умримда бировнинг устидан ёзган эмасман. Менинг оғир-вазминлигим эса бировлар камчилига йўйиб, "Сиз кўрқоқсиз, сизда дадиллик йўқ, исёнкорлик етишмайди", дейишар эди. "Майли, сизлар ботир, исёнкор бўлақолинглар", деб жавоб қайтарардим уларга. Одам беш дақиқада минбарга чиқиб, ҳали айтиммаган гапни айтиб, "эҳ-ҳа, бу ботир экан" деган баҳога муяссар бўлиши мумкин. Тўғри, буям жасорат, лекин жасоратнинг бошқа бир тури бор: бу — меҳнаткашга хос жасорат: бу — ўз вазифасини йиллар давомида сокинлик билан, бақириб-чақирмасдан амалга ошира билши. Ҳозир бизда бундай бардошлар кам. Ўйлайманки, сизларнинг орангиздан шундайлар кўп чиқади.

Жиноят, менинча, илгариларимиз кўп бўлган. Лекин у яшириб келинган. Мана, Сталин даврини олайлик, миллионлаб одамлар уларидан битта-битта олиб кетилиб, ёвузларча ҳалок этилган, бадном қилинган. Инсоният тарихида минг йиллар давомида бунчалик катта миқёсда, чексиз шафқатсизлик билан қилинган жиноят содир бўлмаган эди. Кўп халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди. Лекин ҳиди чиқарилмаган бу жиноятларнинг. Ҳозир, ошкоралик даврида эса ҳамма нарса ҳақида очиқ-ойдин айтилишмоқда. Шундай бўлгани яхши. Масалан, уй-

нинг деразаларини очиб, хоналарни шамоллатиб турсангиз, ҳаво тоза бўлади, микроблар қирилиб кетади. Сиз айтган иллатлар ҳам шу микробларга ўхшайди, яъни уларга кўш нури тушса, тоза ҳаво таъсир қилса — бу иллатларни йўқотиш осонроқ кечади. Энди эътиқодга келсак. Эътиқодсизлик 50-60 йилларда кўпроқ эди. Назаримда, эътиқоддилар, ҳозир, аксинча, кўпайиб бормоқда. Мен бу ерда самимиятга йўғрилган диний имон-эътиқодни ҳам назарда тутаяман. Эътиқод яхши бўлиши ва яхшилик қилиш ниятидан келиб чиқиши керак.

Бизда мақол бор-ку, "Яхшилик қил — дарёга ташла, балиқ билмас, холиқ билади", деган. Яхшилик билан одам ўзининг дилини обод этади. Бировга ёмонликни раво кўрган кишининг дилида, албатта, ўша ёмонликларнинг асорати қолади. Ёмонлик охир-оқибат қайтади, қутилмаган жойдан қайтади. Мана, менинг отамга адолатсизлик қилганлар ичидан бир одам бор эди (мен уни "Қора кўзлар" романимда *Исмаил бобо деган ном билан келтирганман*). У чақимчилик билан қишлоғимиздаги беғунох кишиларни қаматиб юборганди. Сири очилгач, одамларнинг назаридан қолди. Кейин эса кўзлари кўр бўлди. Аммо шунда ҳам ёмонлик қилишни қўймади, бора-бора хотини, келини, ўғли ўртасида низо чиқара бошлади. Охири айги чидолмай: "Ота, шунча қилган аёғоқчилигингиз каммиди, энди уйдагиларни тинч қўйинг", дейди ғазаб билан. У эса "дод" солиб бақиради. "Мен сени оқ қиламан!" дейди ўғлига. Шунда хотини: "Оқ қиладиган одамнинг кўнгли оқ бўлади. Сизнинг эса кўнглингиз қора! Сизнинг кўзингиз кўр эмас, имонингиз кўр, виждонингиз кўр!" дейди...

Дўрмондаги боғ атрофида куст-кут (чирмовикнинг ёмон тури) деган бир ўсимлик ўсади. Барги йўқ, илдири йўқ, худди чувалчанга ўхшайди. Баъзан ҳаводан учиб келиб, мевали дарахтларга ёпишади. Бир куни қарасам, четроқдаги баланд бир тиракнинг ярмигача чиқиб, уни қуритибди, аммо ўзиям қуриб ётибди. Чунки унга ўша тирак озиқ бериб турган эди-да. Ёмонлик бир куни, албатта, ўзиям барбод бўлади!..

Ўйлаб қарасангиз, ҳар бир кишининг тақдирини туғилмасидан олдинги асрларга ҳам илдири отган бўлади. Туркий аждодларимиз етти пуштини яхши билмаган одамни уят қилишган. Тўқсон икки қабилили ўзбеклар ўз аждодлари қайси уруғдан эканини ёддан чиқармаганлар. Аммо шўро даврида уруғ суриштириш "уруғ-аймоқчиликка олиб боради" деб айб қилинди. Бу ҳамма одамларни тарихий илдириларидан узиб ташлашга хизмат қиладиган ақида эди.

Аслида эса, ҳар биримизнинг ўтмишимиз ота-боболаримиз мансуб бўлган қабила ва уруғлар орқали халқимиз бошидан кечирган катта тарихий воқеаларга узвий боғланган бўлади.

Бугун биз учун — шахсга сиғиниш даврини, турғунлик даврини бошидан кечирган одамлар учун тарихий шахслар қисматини ўрганиш, уларнинг хато ва ютуқларидан

ибрат олиш жуда ҳам муҳимдир. Биз куни кеча ўзларини шахсий манфаатини халқ манфаатидан банд қўйган, инсонийлигини йўқотиб, шон-шухратга муккасидан кетган раҳбарларни кўрдик, уларнинг таъйиқ остида ижод қилдик. Уларнинг жабрини халқимиз тортгани майли, ҳали-ҳалигача ўшалар тугдириб кетган қийинчиликлар билан биз курашиб келямиз. Шу боис гоҳо биз тарихий шахслардан инсоний фазилат излаймиз ва давлат тепасида ўтирган одам атрофидаги кишиларга нисбатан — опасими у ё онасими, ким бўлишдан қатъи назар — шуларга нисбатан мардлик ва инсонийлигини йўқотмаслиги, сўзида турабилиши, умуман, дилбар шахс бўлиши, ҳокимият деган жуда оғир бир муҳитда ўзининг гузал сифатларини йўқотмаслиги кераклигини теран идрок этамизки, шу фазилатлар мавжуд бўлганлиги учун ҳам Бобур бизга азиздир.

Биласизки, айрим шоҳлар шахсий манфаатлари йўлида ака-укасию опа-сингилларини ҳам қурбон қилиб кетаверишган, ўлимга маҳкум этиш ҳеч гап бўлмаган яқин қариндошларини! Сталин ҳам шундай бўлган-ку, ахир! Ҳатто хотинини ўлимга гирифторм этган-ку! Ғарбий Европада макиавеллизм деган оқим бўлган, уларнинг ақидасича подшоҳлар оддий одамлар каби ҳарол ва барчага бирдек қондаларга бўйсунуши шарт эмас, улар шундай юксакликда турадиларки гўё, ҳар қандай одамни керак бўлганда ўлдиришга ҳақлидирлар! Яъни улар подшоҳларни ахлоқ нормаларидан баланд қўйишади. Гитлернинг дунёга келишига имкон берган ақида ҳам шу, Гитлер ҳам мен инсон эотини ахлоқ деган, виждон деган нарсалардан озод қиламан деб айтган эди. Лекин бизнинг Шарқда, Алишер Навоий ва шу каби бошқа улуғларнинг таълимоти шуки, ким қайси даражада, мавқои қандай бўлишдан қатъи назар, шоҳ ҳам, гадо ҳам виждон амридан ташқарида туришга ҳақли эмас. Ҳа, ҳалоллик, поклик, инсонийлик биринчи ўринда туриши керак. Алишер Навоий таълимоти шунга асосланган, Бобур ҳам ёшлигидан шуни ўзига аъмоқ қилиб олган.

Тарих унутилиб кетадиган нарсас эмас. Аждодлар бошидан кечирган ҳодисалар, кечинмалар юз, беш юз йил ўтгач ҳам авлодлар ҳаётида турлича йўсинда тақдорларини мумкин эканки, бу ўша ирсий йўналиш, генлар орқали юзага келади, деб ўйлайман. Бизнинг тарихимиз ҳолимиз ўзимиз мансуб бўлган давр билан кифояланмайди. Агар ҳаёт дарахт бўлса, кўзга кўринмайдиган илдирилар аждодларимиздан мерос маънавиятдан, бошқа омилардан озиқ олади. Шу маънода ҳар биримизнинг тарихимиз ҳолимизнинг илдириларига тенг тарихдан иборатдир. Зеро, ота-боболаримиз "ҳар ким ўзининг етти пуштини билиши шарт", деб бежиз айтишмаган. Бу одат қозоқларда ҳамон мавжуд. Албатта, биз ўтмишимизни, тарихий илдириларимизни теран билишимиз керак. Ўзбек 92 уруғдан иборат, дейишади. Ҳа, оби-ҳаёт бормай қолган илдириларимизни парваришлаш, тириштириш лозим. Шундай қилсак

ёшларга тўғри таълим берган бўла-миз, улар маънавий заминда гурир-раб ўсишади.

Тўн илиғини эгаси билади, деганидек, ҳар кимнинг оилавий ҳаёти, қийинчиликлари ўзига аён. Шу, масалан, ички бир сир сифатида сақланишига тарафдорман. Халқимизда шундай мақол бор: одамларнинг бир-бирига меҳри қушининг поланонига ўхшайди. Поланон, маълумки, жуда нозик, ҳадеб уни қўлга олаверсангиз, қўлнинг захри уриб касалланиши мукаррар. Шу маънода кўнгли сирлари, шахсий туйғулар ҳолис яшагани, четдан аралашув-шахс бўлмагани маълум. Гёте дейдики, менинг қалбим очиқ шаҳар, лекин унда шундай бир қаср борки, унга фақатгина маҳрами асроримни киритаман.

Мен севгини оловга ўхшатаман. Бу оловнинг асоси — меҳр. Кўёнинг нурлари лупада битта нуқтага йиғилса, ўша жойни у қўйдириб юборади... Муҳаббат ҳам шунга ўхшайди, инсоний туйғуларни бир нуқтага жамлайди, юракда яшириб ётган барча маънавий кучларни ҳаракатга келтиради. Муҳаббат келганда заиф одам ҳам ўзини жуда қудратли сезади. Бошқа вақт қўлидан келмайдиган ишларни муҳаббатнинг кучи билан уддалай олади. Муҳаббат инсоннинг барча фазилатларини ўйотадиган баҳор палласига ўхшайди.

Эҳтиёткорлик ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу давр руҳи ва шахс табиати билан боғлиқ хусусият. Шахсга сиғиниш даврида ҳамма эҳтиёткорлик билан иш кўрган. Эҳтиёткорлик кўрқоқлик билан чегараланади. Лекин мулоҳазакорлик билан кўрқоқликни ажрата билиш керак. Нозик масалаларга мулоҳазакорлик билан ёндашиш кўрқоқлик эмас.

Адабиётнинг асосий қуроли — тил. Шунинг учун ҳам тил ҳаммаша бизнинг диққат марказимизда. Айниқса, турғунлик даврида — 60-70-йилларда тилимизга эътибор сусайди, шунда мен бир неча илмий ишлар қилган эдим: "Тил ва дил", "Халқ тили ва реализм" деган китобларим уша пайтда чиққан. Халқ бошидан кечирган тарихий ҳодисалар тилда жамланиб боради. Шунинг учун ҳар бир халқнинг она тили ватанининг маънавий тими соли ҳисобланади. Демак, тилдан айрилган халқ маънавий Ватанидан жудо бўлади.

Муайян миллий адабиёт ривожини ўша миллатнинг умумий тараққиёт даражасининг ҳам ифодасидир. Тарихга назар солинса, қачонки адабиёт юксалган бўлса, ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳдларида ҳам юксак тараққиётга эришилган. Улуғ Алишер Навоий асрини эсланг. Менимча, бу адабиётнинг жамият аъзолари руҳига кучли таъсир кўрсата олиши, улуғвор гоғларга ҳаётбахш қувват бағишлаш имкониятига эга экани билан изоҳланади.

ИБРАТ

ЎЗБЕКОНА МАШВАРАТ



Зиёфатнинг минг битта тур, менимча бизда бўлса керак: тўй-томошани қўверинг, таваллуд қунлари, "машинаювди"дан тортиб, диплом ошно гап-гаптак, ҳожитўй, умрачилар гурунин, эҳ-е, санайверсам, адоғи йўқ уларнинг. Яна бир юмалаб, ҳаммасини ўзбекчилик, элга келган тўй-да, деб андалалаб ҳам қўямиз. Қунимиз, умримиз шундай ташвишлар билан ўтиб кетади. Ва бир куни...бошимиз ёстиққа текканида сабову гуноҳларимизни эслаб қоламизу охир-оқибат тавба-азарруга юзланамиз.

Бугун мен кейинги пайтларда "ҳашар" — "тренд"га айланган мавзу тўй-маросимлар ҳақида мавзуза ўқимокчимасман. Аксинча, кечаги шанбада пойтахтимизнинг қадим бир гўшасида ўтказилган қутилмаган бир машварат хусусида тўхталмоқчиман.

Биласиз, юртимизнинг турли бурчакларида ОАВ ҳодимлари куни катта байрам сифатида нишонланди. Ана шу сана муносабати билан Президентимизнинг машаққатли соҳа вакилларига йўллаган табриги ҳамда бир гуруҳ ҳамкасбларимизнинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлиши, шунингдек, бу йил илк марта "Олтин қалам" миллий мукофоти тантаналарининг айнан 27 июнда ўтказилиши ҳамда вилоят, туманлар кесимида ҳам шундай маърифий тадбирлар уюштирилгани кўпчиликамиз манзур бўлди. Энг қувончлиси, Президент фармонида кўра нашримизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича муҳбири, таниқли журналист ва адиб Рўзимбой Ҳасаннинг "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани, қолаверса, яна бир иқтидорли қаламкаш, кадрдонимиз, "Оила ва табиат" газетасининг шимоллий худудлардаги муҳбири Эргўлтай Бахт ҳам "Олтин қалам" совриндори бўлгани ҳаммамизни беҳад суюнтирди ва...

Тадбир тугар-тугамас мукофот соҳиблари қутловлари гулларга қўйилиб кетди. Бошқаларнинг ҳам семини, ҳаяжони чексиз эди, лекин бутун умри ҳув Оролбўйида кечаётган бу икки дарвишсифат журналистлар шу чоққача бирор мукофотга лойиқ қўрилмагани учунми, довдираб қолишганига агар ишонмасангиз, мана, мен гувоҳман! (Муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройига келганлар орасида билса ҳазил, билмасча чин

маънода улардан қачон чойхонага тақлиф қилишларини сўровчилар ҳам кам бўлмади ва иккисиям "Биз тайёрмиз" деб қўйишди жилмайиб). Ярим тунда Рўзимбой кўнги-роқ қилиб, "Эртага Қодирий бобомиз ўйлариди кўришайлик, яна кимларни айтаман, рўйхат қил, улуг боболаримизни хотирлайлик", деди...

Этим жимирлаб кетди, ўша лаҳзада. Нега десангиз, биламан, шу маҳалгача давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод қилинган буюк адиб Абдулла Қодирий яшаб ўтган бу муборак гўшада қанча маърифий маросимлар, эҳсон тадбирлари ўтганига гувоҳимиз. Ва худонинг бермиш куни ушбу уй-музеюдан олис-яқиндан келган зиёратчилар, талаба-ўқувчи ёшлар қадами узилмайди. Шундай пайтда кечагина олқушу табриклардан сармаст бўлиб юрган икки ижодкорнинг қутилмаганда шундай қарорга келгани...менимас, бу қутлуғ хабарни эшитган бошқа зиёли дўстларимизнинг ҳам кўнглини шод этди. "Отасига раҳмат уларнинг, туркона, жадидона йўл тутушибди", дея эртаси куни мўъжазгина дастурхон устиди, аввало, Абдулла Қодирий бобомиз ва ул зотнинг авлод-аждодлари, Туркистон жадидлари, жумладан, миллий матбуотимиз тараққиёти йўлида курашган фидойи инсонларни ҳақидаги ўлмас хотиралар ёдга олинди ва уларга бағишлаб Қуръон тиловат этилиб, халқимиз озодлиги йўлида шаҳид бўлган улуг зотлар ҳақида дуо қилинди.

Машварат ниҳоясида адабнинг невараси Хондамир Қодирий ушбу хайрли ташаббусни бошлаб берган ҳамкасб дўстларимизга самимий миннатдорлик изхор этди.

Мухбиримиз

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Бахтиёр ЯКУБОВ Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирождидин САЙИД Дилош ШОУМАРОВ Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ Мадина БАРОТОВА Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта: xxi_asr@mail.ru xxi_asr@mail.ru xxi_asr@mail.ru

Телефонлар: қабулхона — 71 215-63-80 (тел. факс).

Обуна ва реклама бўлими — 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми — 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г — 745. Адади: 4910. Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди — 20:25.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манаб сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456

Навбатчи муҳаррир: Абдулла ЧИМИРЗАЕВ